
БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар!

Сизларни меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми - муборак Рамазон ҳайити билан самимий табриклайман.

Муқаддас Ислом динимизнинг эзгулик ва инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби буюк фазилатлари янада ёрқин намоён бўладиган ушбу шукухли дамларда барчамиз, аввало, Аллоҳ таолога оиласиз, элу юртимиз билан биргаликда бугунги қутлуғ ва барокатли кунларга етказгани учун беҳисоб шукроналар айтамиз.

Барчамизни Яратган ўз паноҳида сақласин!

Сиз, қадрли юртдошларимни муқаддас Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин юракдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оиласиб баҳт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Восилжон Назаров,

Бағдод тумани ҳокими.

2021-05-12 23:25:08